

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14/01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**МИРЗИЯТОВ ШУХРАТ МИРГИЯЗОВИЧ**

**«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» АСАРИДА ТИЛШУНОСЛИК,  
ЛУҒАТШУНОСЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА АРАБИЙ-ТУРКИЙ  
СЎЗЛИКНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти  
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Philological  
Sciences**

**Мирзиятов Шухрат Миргиязович**

«Муқаддамату-л-адаб» асарида тилшунослик, луғатшунослик  
анъаналари ва арабий-туркий сўзликнинг лексик-семантик талқини. 3

**Мирзиятов Шухрат Миргиязович**

“Лингвистические, лексикографические традиции произведения  
«Мақаддамату-л-адаб» и лексико-семантическая интерпретация  
арабо-турецкого словника..... 17

**Mirziyatov Shuxrat Mirgiyazovich**

Traditions of linguistics, exxicography in the literature work  
«Muqaddamatu-l-adab» and lexico-semantic explanation of arabic-turkish  
words..... 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 35

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14/01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**МИРЗИЯТОВ ШУХРАТ МИРГИЯЗОВИЧ**

**«МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ» АСАРИДА ТИЛШУНОСЛИК,  
ЛУҒАТШУНОСЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА АРАБИЙ-ТУРКИЙ  
СЎЗЛИКНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти  
(филология фанлари)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil56 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик институтида (ТошДШИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг [www.tiu.uz](http://www.tiu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи</b>	<b>Исломов Зоҳид Маҳмудович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Дадабоев Ҳамидулла Арипович</b> филология фанлари доктори, профессор
	<b>Куранбеков Ахмадкул</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Тошкент ислом университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tar/Fil.14/01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш «\_\_\_\_\_» «\_\_\_\_\_» 2017 йил соат\_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел: (99871) 244-00-91; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: tiuxab@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент ислом университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел: (99871) 244-00-91

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси) .

**С.Хасанов**

Бир марталик илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Б.Б.Абдушукуров**

Бир марталик илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**С.С.Агзамходжаев**

Бир марталик илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон илм-фанида тилшунослик ва луғатшунослик соҳалари жадал ривожланиб келмоқда. Бу ўринда соҳа бўйича мактаб яратган юртимиздан чиққан йирик алломалар Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Носируддин Мутарризий каби даҳо тилшунос, луғатшунос олимларнинг хизматлари улкан. Айниқса, буюк ватандошимиз Маҳмуд Замахшарий мазкур соҳанинг ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида аҳамиятга эга. Аллома шарқ, хусусан араб тили грамматикаси ҳамда лексикографиясини илмий тизимга солди. Олим томонидан яратилган илмий ғоялар, кашфиётлар жаҳоннинг мазкур фан борасидаги дарғалари томонидан тан олиниб, бугунги кунда ҳам ўрганиб келинмоқда. Зеро, Маҳмуд Замахшарий классик араб тили грамматикасини таснифлаш принципларини яратиб берди. Олимнинг беқиёс катта ҳажмдаги илмий изланишлари натижасида яратилган бой илмий меросини тадқиқ этиш бугунги кунда ўта долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда буюк аллома аждоқларимиз илмий меросини ўрганиш учун кенг қамровли имкониятлар ва шарт-шароитлар очиб берилиб, мазкур масалага бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг илм-фанга қўшган улкан ҳиссаси, у томонидан яратилган назарий билимларни чуқур ўрганиш жараёнлари бошланди. Айни пайтда бетакрор илмий меъросимизнинг ҳали тўлиқ ўрганилмаган қатламларини очиб бериш, хусусан, мамлакатимиз ҳамда чет эл фондларида сақланаётган қадимий ноёб қўлёзмаларни тадқиқ этиш устувор йўналишлардан бири деб белгиланди. Жумладан, Маҳмуд Замахшарий илмий-маънавий меъросига бағишланган 10 дан зиёд илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Чунончи асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, уларнинг илмий-танқидий матни ва луғатлари нашр этилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 4-устувор йўналиши «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» номли 4.4-бандида ҳам ёзма манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида ҳозирги замон илм-фани олдида турган муҳим вазифалар белгилаб берилди<sup>1</sup>. Зеро, «Улуғ аждоқларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир»<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда дунё шарқшунослари олдида Маҳмуд Замахшарийнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 24 июнь.

бой мероси ва унинг «Муқаддамату-л-адаб» асарини тадқиқ этиш борасида катта ҳажмдаги вазифалар турибди. «Муқаддамату-л-адаб» асарининг лексикографик ва грамматик хусусиятларининг таҳлили фанимиз олдида турган муҳим ва долзарб вазифалар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувидаги нутқи, шунингдек, 2017 йилнинг 24 май куни қабул қилинган «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2995- сон Қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация асосли даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Араб луғатшунослиги тараққиёти, араб тили луғатларини тузиш тамойиллари бўйича хорижлик олимлар қатор илмий тадқиқотлар амалга оширган. Жумладан, В.Ахвледиан, В.Рыбалкин, И.Крачковский, К.Броккельман, И.Голдциер, Т.Нельдеке, П.Зайанчковский, Аҳмад Закий Валидий-Тўғон ва Муҳаммад Козим, Г.Ветсштайн, В.Гиргас, В.Бартольд, В.Звегинцов, А.Боровков, Н.Поппе, А.Крымский, Б.Холидов, А.Жувайний, А.Хуфий, Муртазо Шерозий, Ибн Халликон, Ёқут Ҳамавий, Саъолибий, Нури Йўже, Хожа Исҳоқ Аҳмад Афанди, Аҳмад Оташ, Муҳаммад Козим, К.Менгис, Саито Йошио, Н.Бадмациренова ҳам Замахшарий ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганишган ёки ушбу масалага оид маълумотларни баён этиб ўтишган<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Ахвледиан В.Г. Арабская языковедение средних веков/ История лингвистических учений. Средневековой Восток. – М.: Нака, 1981; Рыбалкин В.С. Принципы построения арабских лексикографических трудов VIII-XVIII вв. : Дис. ... канд. филол. наук . – Ленинград, 1984. – 230 с; Brockelmann С. Geschichte der arabischen literature. 2Bd. Weimar. Berlin. 1898-1902; Wetzstein J.G. Samashacarii Lecicon arabicum persicum. Lipsiae. 1850; Гиргас В.Ф. Очеркъ грамматической системы арабовъ. – СПб, 1873; Бартольд В. Рукописи Замахшари с старотюркскими глоссами. Сочинения. Т. 8. с. 465-468; Звегинцев В.А. История арабского языковедения. – М.: МГУ, 1958; Боровков А. Тюркские глоссы в Бухарском списке «Мукаддимату-л адаб». – М., 1971; Поппе Н.Н. Монгольский словарь Мукаддимат ал-адаб. – М. – Л.: АН СССР, 1938; Крымский А. Арабская литература в очерках и образцах. – М., 1911; Халидов Б.З., Халидов А.Б. Биография аз-Замахшари, составленная его современником ал-Андарасбани – П.П.В. 1973, 1979. - С. 203. 212; Халидов Б.З. Замахшари (о жизни и творчества). Семитские языки. – М., 1965; Ал Жуваний. Минҳажу-з-Замахшарий фи тафсири-л-Курыан ва иайану иъжазиҳи. – Қоҳира, 1959; ал-Хуфи. Аз-Замахшарий. – Қоҳира, 1966; Аш-Шерозий Муртазо. Аз Замахшарий муфассиран ва луғавиййан. – Қоҳира: Дару-с-софа. 1978; Ибн Халликон. Вафояту –л-аъян. – Қоҳира: Дару-с-сафо. 1978; Ал-Ҳамавий Ёқут. Муъжам ул-булдон. – Қоҳира: Дару-с-сафо. 1980; Ас-Саолибий. Ятимату-д-дахр. – Қоҳира, 1988; Yüce N. Mukaddimetü'l-edeб. Giriş, dil özellikleri: metin, indeks. – Ankara: TDK, 1988; Заянчиковский П. Глава о животных в арабском труде Замахшари (С персидскими и тюркскими глоссами) по Стамбульскому списку 655 г. (1257 ) // Вестник Востока. 1967. - С. 27-82; Поппе Н.Н. Монгольский словарь Мукаддимат ал-адаб. – М. – Л.: АН СССР, 1938; Ates A. Anadolu rutuphanelerinden bazı muhim Türkçe el yazmaları // Turk Dili va Adabiyati. – Istanbul. 1958, №8. – S. 90-93; Боровков А. Тюркские глоссы в бухарском списке «Мукаддимат ал-адаб»// Acta orientaliya. Будапешт: 1962, т. 15, - P. 31-39. Монгольские глоссы в Бухарском списке «Мукаддимат ал-адаб»// Народы Азии и Африки. 1963. № 1. - С. 140-

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Маҳмуд Замахшарий илмий мероси, айниқса «Муқаддамату-л-адаб» асарига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, А.Рустамов, З.Исломов, М.Ҳакимжонов асарнинг матни, сўзлигига бағишланган тадқиқотлар яратдилар, М.Оқилов, Ф.Абдуллаев, Н.Шарипов, Ў.Қориев, М.Носирова, Н.Сулаймоноваларнинг Замахшарий илмий меъросига оид мақолалари чоп этилди<sup>4</sup>.

Шунга қарамай, бу соҳада ҳали ўз ечимини топмаган масалалар оз эмас. Хусусан, «Муқаддамат-у-адаб» асарининг тилшунослик, луғатшунослик нуқтаи назаридан тадқиқи амалга оширилмаган, асарнинг арабий-туркий сўзлиги тўлиқ ўрганилган эмас. Айниқса, асарнинг давримизгача етиб келган энг қадимий туркий сўзлик киритилган Хоразмда кўчирилган нусхаси тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг I. «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари», II. «Шарқ луғатчилик назарияси ва амалиёти: тарихий даврлари, луғат тузиш принциплари ва ҳозирги замон луғати йўналиши» мавзусидаги илмий мавзулар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** араб луғатшунослигининг шаклланиш тамойиллари, «Муқаддамату-л-адаб»нинг Хоразм нусхасидаги арабча-туркий сўзликнинг грамматик, лексик-семантик таҳлили, жаҳон луғатшунослигидаги ўрнини белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

араб лексикографиясининг шаклланиш тарихи, луғат тузишнинг асосий тамойилларини аниқлаш;

араб лексикографияси тарихида яратилган асосий луғат турларини таҳлил этиш ҳамда Маҳмуд Замахшарийнинг луғатга тартиб бериш анъаналарига киритган янгиликлари, ўзига хослигини аниқлаш;

«Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий сўзлик киритилган, энг қадимий Хоразм кўлёмасини илмий истифодага киритиш;

кўлёмдаги туркий сўзларнинг грамматик ва маъно хусусиятларини очиш;

Хоразм нусхасининг асарининг мавжуд кўлёмалари орасида тутган

---

146. К истории словаря «Муқаддимат ал-адаб» Замахшари // Вопросы языкознания. 1965. № 2. - С. 98-101; Menges K. Report on the Excursion to Taskent for Research in Sogataj Manuscripts. CAS. № 11. – Wiesbaden. 1966. P. 87-133; Saito Yoshio. The Mongolian Words in the Muqaddimat al-Adab: Romanized Text and Word Index. Tokyo. 2008; Бадмацыренова Н.Б. Специфика фразеологического калькирования в монгольском словаре «Муқаддимат ал-Адаб» / «Письменные памятники Востока. Проблемы перевода и интерпретации». Москва, ИВ РАН, 27-29.10.2014 (тезисы конференции).

<sup>4</sup> Исломов З.М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили фил. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1993; Исломов З.М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг кўлём манбалари ва арабча- туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танкидий матни (Тошкент кўлёмалари асосида). Филол. фан. док. ... дис. – Тошкент, 1998; Носирова М. Араб тилшунослиги тарихи. – Т.: ТДШИ, 2011; Ҳакимжонов М.Ю. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили (Исмлр). Фил. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1994.

ўрнини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» асарининг 1257 йили Хоразмда кўчирилган, туркий сўзлик киритилган дунёдаги энг қадимий қўлёзмаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» асарининг қўлёзмаси, ундаги арабий-туркий сўзликнинг грамматик, семантик, морфологик хусусиятлари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тавсифлаш, таърифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий, компонент таҳлил, анализ, синтез усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, диссертацияда хорижий ва ўзбек шарқшунослиги, тилшунослиги, луғатшунослиги, манбашунослиги ва матншунослигининг янги натижаларига таянилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Маҳмуд Замахшарий сўзларнинг ички ўзакларини алифбо тартибида жойлаштириш тизимини жорий этган араб луғатшунослигининг учинчи мактаби асосчиси эканлиги далиллаб берилган;

қўлёзмадаги туркий сўзликнинг маъно хусусиятлари очиб берилган ва унинг воситасида лексик қатлами XIII-XIV асрларга мансуб эканлиги исботланган;

илк маротаба «Муқаддамату-л-адаб» луғатшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилиб, асар зарур грамматик қоидалар киритилган энг биринчи кўп тилли луғат эканлиги далилланган;

«Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий сўзлик киритилган энг қадимий Хоразм қўлёзмасининг луғатшунослик, тилшунослик, манбашунослик тараққиётидаги ўрни асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий, хусусан грамматик, лексикографик меросини чуқур ўрганиш орқали унинг араб, туркий, форс, мўғул тилшунослиги тарихи ва тараққиётига қўшган катта ҳиссаси аниқланди. Тадқиқот шарқ халқлари тили, адабиёти, маданияти орасидаги муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатларни илмий далиллар орқали очишга, шарқшунослик соҳасидаги кенг қамровли тадқиқотларга замин яратади.

Тадқиқот материаллари шарқ, хусусан араб ва туркий тиллар тарихи, грамматикаси, лексикографияси ва лексикологияси, шунингдек, фонетика, семантика масалаларига оид назарий масалалар ечимига ёрдам беради.

«Муқаддамату-л-адаб» Хоразм қўлёзмасининг илмий истифодага киритилиши туркий тиллар тарихининг ёзма манбалари кам сақланган ва чуқур ўрганилмаган даври бўйича филология фанини муҳим янгиликлар билан бойитади. Асардаги туркий сўзлар XIII-XIV асрлар туркий қатламнинг бойлиги, маъно хусусиятларининг кенглигини асослашга илмий далил бўлади. Диссертация материаллари ўзининг аҳамияти ва янгилиги билан арабшунос ҳамда туркийшунос тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари учун муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** «Муқаддамату-л-адаб» асарининг ҳижрий 655, милодий 1257 йилда Хоразмда кўчирилган ҳозирда

Туркиядаги Сулаймония кутубхонасида сақланаётган энг қадимий Хоразм нусхаси ҳамда ишда танланган йўналиш ва илмий методлар тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари араб лексикографиясининг тараққиёт тарихи, араб тили луғатларини тузиш тамойилларининг назарий асосларига аниқлик киритади. Тадқиқот луғатшунослик, тилшунослик, матншунослик, манбашунослик соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда назарий манба бўлиб хизмат қилади. «Муқаддамату-л-адаб» Хоразм нусхасидаги туркий сўзлик шу кунга қадар хорижлик, маҳаллий олимлар томонидан бирор бир тадқиқот ишига жалб қилинмаган энг қадимий қўлёзмаси сифатида тўлиқ ўрганилиши илмий жамоатчиликнинг туркий сўзлик қатлами ҳақидаги фикрларига ойдинлик киритади. Асардаги туркий сўзликнинг маъно ва матний тадқиқи туркий тилларнинг тараққиёт жараёнини илмий ёритишга хизмат қилади.

Диссертация материаллари «Филология ва тилларни ўқитиш (араб, форс, турк тиллари)» таълим йўналиши ҳамда «Мумтоз филология», «Лингвистика (араб, турк тили)» мутахассисликларида махсус курс сифатида ўқитилиши мумкин. Бундан ташқари, қайд этилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларида араб, туркий тилшунослик тарихи, матншунослик, адабий манбашунослик каби махсус фанлардан кўлланмалар яратишда, шунингдек, илмий-танқидий матн тузиш ҳамда манбашунослик бўйича илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Хоразм нусхаси таркибидаги туркий сўзликдан ўзбек тилининг изоҳли луғатларини тўлдириш ва мукамаллаштиришда кенг истифода этиш тавсия этилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Муқаддамату-л-адаб» асарида тилшунослик, луғатшунослик анъаналари ва арабий-туркий сўзликнинг лексик-семантик талқини бўйича берилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Илмий тадқиқот натижалари «Ф-1-139 Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» (2013-2016) мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида Аббосийлар даври адабиётида жанрлар такомиллашуви ва типологиясини ёритишда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлиги 2017 йил 18-июль 02-11/344-сон маълумотномаси). Натижада ислом тарихига оид китоблардаги ҳадисларни тизимга солишда ҳамда Маҳмуд Замахшарий томонидан «Қуръон»да тушунилиши қийин бўлган сўзларни изоҳлашда асос бўлган;

Маҳмуд Замахшарийнинг бой илмий мероси, унинг бизгача етиб келган асарлари ва уларнинг қисқача тавсифи, айниқса олимнинг араб тили грамматикасига бағишланган асарларининг аҳамияти Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканалининг 2017 йил 11 август кунги дастурларида намойиш этилган “Биз кимларнинг аجدодимиз?” номли туркум кўрсатувларининг Маҳмуд Замахшарий ҳақидаги сониди ёритилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 28 августдаги 01-17/666-сон маълумотномаси). Ушбу маълумотлар Маҳмуд

Замахшарийнинг илмий мероси, тил ва тилшунослик тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақидаги билимларни бойитишга хизмат қилган.

Илмий тадқиқот натижаларига кўра, яъни араб ва туркий тиллардаги сўзлик таҳлили асосида «Араб филологиясига кириш» («مقدمة اللغة العربية») номли ўқув қўлланмаси (хаммуаллифликда) нашр этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси 2011 йил 3 октябрдаги 403/27/42-сон қарори). Қўлланма филолог мутахассисларнинг араб тилшунослиги ва луғатшунослигининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари, луғатчилик принципларини ўргатишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 мақола, жумладан 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Араб луғатшунослиги ва унинг шаклланишида Маҳмуд Замахшарийнинг тутган ўрни»** деб номланган бобда араб луғатшунослигининг юзага келиши ва тараққиёти омиллари, Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг жаҳон шарқшунослигидаги ўрни, «Муқаддамату-л-адаб» асарининг Ўзбекистонда тадқиқ этилиши назарий хулосалари баён этилган.

Араб тилшунослигининг юзага келиши ва шаклланиши, хусусан, унга антик ва ўрта аср анъаналарининг таъсири борасида ҳозиргача турли, ҳаттоки, қарама-қарши фикрлар мавжуд. Бунда VIII аср ўрталаридан бошлаб юнон ва сурия тилидаги фалсафа, математика, астрономияга оид асарлар, шунингдек, форс тилидаги кўплаб китобларнинг араб тилига ўгирила бошланганлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Шу сабабли Осиё, Африка ва Европа халқлари билимларининг ижобий таъсирисиз араб тилшунослиги VIII асрданоқ бу қадар такомиллашиши мумкин эмас эди<sup>5</sup>. Айни чоғда бошқа лингвистик анъаналарнинг таъсири, араблар ўз анъаналарига риоя этмаган, деган хулосага олиб келмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. Араб тилшунослиги айнан ўрта асрларда ислом динининг бевосита таъсирида ҳамда унинг бошқа халқлар орасида тарқалиши натижасида шаклланган «янги анъана» сифатида эътироф этилади. Унинг янгилиги шундаки, араб тилшунослиги араб тилининг структурасига тўла мувофиқ келувчи оригинал тил тизимини яратди, араб тилининг спецификасига мос келувчи тушунчалар ва терминлар аппаратини муомалага киритди. Араблар томонидан ишлаб чиқилган илмий тадқиқот методлари бошқа тиллар, хусусан, форс, туркий тилларнинг ўрганилишида ҳам татбиқ этила бошланди.

Маҳмуд Замахшарий, маълумки, назм ва наср билан ёзилган бадий асарлар, шу билан бирга тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, ислом тарихи ва бошқа фанларга оид етмишга яқин илмий асарлар муаллифи сифатида тилга олинади. Бу улкан маънавий мерос ичида «Дунё хазинасига тенг асар» саналмиш «Муқаддамату-л-адаб» (*Адаб илмига кириш*) алоҳида ўрин эгаллайди.

«Муқаддамату-л-адаб» асари яратилган даврдан бошлаб олимлар, тадқиқотчилар эътиборини жалб этиб келмоқда. Асар биринчи марта 1706

---

<sup>5</sup> Рыбалкин В.С. Принципы построения арабских лексикографических трудов VIII-XVIII вв.: дис. ... кан. филол. наук. – Ленинград, 1984. – С. 230.

йилда Хўжа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган. Сўнгра француз, немис тилларига ағдарилган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча марта нашр бўлган. Немис олимларидан Г.Ветштайн «Муқаддамату-л-адаб» асарининг Европа қўлёзма фондларидаги еттита қўлёзмасини жиддий ўрганиб, 1859 йилда Лейпцигда асарнинг икки жилдлик танқидий матнини нашр эттирди. Г.Ветштайн бу муқамал нашрни фихрист билан биргаликда чоп қилган, мазкур нашр қимматли манбалардан ҳисобланади<sup>6</sup>.

«Муқаддамату-л-адаб» араб тили учунгина эмас, балки бошқа тиллар учун ҳам муҳимдир. Бинобарин, «Муқаддамату-л-адаб»даги форс-тожик ва хоразмча сўзлар эроншуносларни қизиқтирса, туркий сўзлари туркийшуносларни, мўғул сўзлари мўғулшуносларни ҳам қизиқтириб келмоқда<sup>7</sup>.

Жаҳон шарқшунослигида Замахшарий илмий меросининг ўрганилишига эътибор кучли бўлиб, шартли равишда асарнинг алоҳида қўлёзма нусхалари тадқиқига бағишланган ишлар, луғатнинг сўзлик қисмига оид таҳлилларни қамраб олган тадқиқотлар, грамматикага оид рисолалардаги олим қарашлари ўрганилишига оид илмий изланишларни ажратиш мумкин. Хусусан, араб тилшунослиги ва луғатшунослигига тааллуқли илмий ишларда ҳам Замахшарийнинг беқиёс хизмати эътироф этиб ўтилган. Бироқ Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» асарининг энг қадимий Хоразм нусхаси ҳали махсус тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг ўрганилиши том маънода янгитдан бошланди. «Муқаддамату-л-адаб»нинг форсий ва туркий сўзлик киритилган нусхалари ўзбек тарихий лексикологияси, жумладан, лексикографияси учун жуда қимматлидир, чунки ундаги туркий сўзларнинг ҳам арабча, ҳам форс-тожикча муодилларининг бўлиши уларнинг маъносини тўғри аниқлашда катта ёрдам беради<sup>8</sup>.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг Ўзбекистонда ўрганилиш ҳолатини таҳлил этиш, мазкур асарнинг тил тарихига оид барча манбаларда қимматли асар сифатида эътироф этилишини кўрсатади. Шу билан бирга, Замахшарий ижодини ўрганишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилаётган бўлса, уларнинг асосий қисми буюк мутафаккир олимнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари тадқиқига бағишланганлигини кўрсатади. Ушбу асар тадқиқида юқори натижаларга эришилганлигига шубҳа йўқ. Шундай бўлишига қарамай, бу борада ўз ечимини топмаган масалалар ҳали кўп. Жумладан, «Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий сўзликка киритилган энг қадимий Хоразм қўлёзмаси манбашунослик, луғатшунослик, тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган, мазкур асар нусхасининг асарнинг

<sup>6</sup> Абу-л Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар (Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов). –Т.: Камалак, 1992. 37-38 б.

<sup>7</sup> Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. (Маҳмуд Замахшарий. “Олтин шодалар” китоби сўз бошиси). –Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. 15 б.

<sup>8</sup> Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. (Маҳмуд Замахшарий. “Олтин шодалар” китоби сўз бошиси). –Т.: EXTREMUM PRESS, 2010. 15 б.

мавжуд қўлёмалари сирасидаги ўрни қиёсий ўрганилмаган, асардаги туркий сўзликнинг маъно хусусиятлари ва матний тадқиқи амалга оширилмаган.

Араб тилшунослиги ва луғатшунослиги қўлёмас асарлари, асосан, ислом маданияти ва айниқса Қуръон тилини ўрганиш ва таҳлил этишга мўлжалланган. Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асари тилшунослик ва луғатшунослик анъаналарини жамлаган ва уни таълим мақсадларида янгича ёндошув билан баён этилган ўз замонасининг юксак савиядаги асари ва алломанинг илмий мероси жаҳон арабшунос олимлари томонидан йукори баҳоланди. Бу асар Ўзбекистонда ҳам бир қатор манбашунос ва тилшунос олимлари томонидан ўрганилган. Лекин шуни қайд этиш керакки, бу асарнинг тилшунослик назарияси ва луғатшунослик масалалари бўйича эришган ютуқлари комплекс равишда ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Муқаддамату-л-адаб» асарининг ўрта аср тилшунослик анъаналари шаклланишига таъсири**» деб аталиб, унда Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддамату-л-адаб» асарида луғат қисми билан биргаликда араб тилидаги сўз туркумлари ва уларнинг грамматик категориялари муфассал баён қилинган.

Замахшарийнинг араб тили грамматикасига бағишланган асарлари сирасида «Муқаддамату-л-адаб»нинг салмоқли ўрни бор. У ажам – араб бўлмаган миллатларнинг араб тилини мукаммал ўзлаштиришларига мўлжалланган ўзига хос грамматик асар ҳисобланади.

Араб бўлмаган минтақаларнинг араб тилини ўзлаштириши учун аввал сўз бойлигини ҳосил қилиши зарур бўлган. Олим асарни араб тилидаги сўз туркумлари – исм, феъл, ҳарфларга бўлиб тузади. Исмлар қисмига исм туркумига мансуб 7000 га яқин сўзларни киритган. Сўзлар араб луғатлари учун умумий қабул қилинган мавзулар тарзида берилган. Сўзларнинг бирлик шакли алоҳида кўрсатилиб, унинг турли кўринишдаги истифода этиладиган кўплик шакллари ҳам киритилган. Шунингдек, мазкур қисмдан сифат, сон, олмошлар туркумига оид сўзлар ҳам ўрин олган.

Асарнинг феълларга бағишланган қисмида арабча феъллар Замахшарий асос солган принцип асосида жойлаштирилган. Феъллар уч ўзакли, тўрт ўзакли ва ўзгармайдиган туркумга бўлинган. Унда феъл туркумига тегишли бўлган барча ички қоидалар батафсил ёритилган. Қисмга араб тилидаги 7500 дан ортиқ феъл сўзлари киритилган.

Маҳмуд Замахшарий ёрдамчи сўз туркуми حرف – «ҳарф»ларни алоҳида қисмга киритган. Унда араб тили тизимида учрайдиган ҳарфларни тизимга солган ва туркумлаган. Тасниф бўйича барча ҳарфларни келтириб, ҳар бирини мисол билан изоҳлаб берган.

Муаллиф асарни грамматик жиҳатдан мукамаллик даражасига етказиш учун تصريف الاسما *Тасрифу-л-асма* – «исмларнинг турланиши» ва تصريف الافعال *Тасрифу-л-афъал* – «феълларнинг тусланиши»га оид алоҳида қисмларни яратган ва асар таркибига киритган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг тўртинчи қисми *Тасрифу-л-асма* деб

аталган ва у араб адабий тилида исмларнинг турланишига бағишланган. Мазкур қисм халқ орасида унинг бошланиш сўзи *Ҳаракāt* билан машҳур бўлган. Асарда гапда турли грамматик омиллар таъсири остида исмларнинг охирида юз берадиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар изоҳланади. Улар араб тилидаги бош келишик *الرفع* - *ар-раф* 'у, қаратқич келишиги *الجر* - *ал-жарру*, тушум келишиги *النصب* - *ан-насбу* ҳолатларида намоён бўлади. Исмларнинг турланишига бағишланган ушбу қисм 32 фаслдан иборат. Унда Маҳмуд Замахшарий араб тилидаги аниқлик ва ноаниқлик, иккилик сон категориялари, келишикларда турланадиган ва турланмайдиган исмлар, уларга таъсир этувчи барча воситалар ҳақида маълумот беради.

Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» асарининг сўнгги *Тасрīфу-л-афъāl* деб номланган қисми феълларнинг тусланишига бағишланган. Феъл араб тилида бошқа сўз туркумлари ичида салмоқли ўринни эгаллайди. Ушбу қисмда тўғри ва иллатли феълларнинг барча бобларда уларнинг ўтган ва ҳозирги-келаси замон шаклларида тусланиши, феъл майлларида ифодаланиши, жинс ва сонда мослашиши каби барча грамматик ҳолатлари батафсил таҳлил қилинган. Шу билан бирга, феъл ўзакларидан ясалувчи масдар, сифатдошлар, сифат даражалари кабилар ҳам ёритилган.

Маҳмуд Замахшарийнинг луғатшуносликка киритган янгилиги шундан иборат эдики, у араб тили тизимини ўрганиб чиқиб, ундаги сўз туркумларини тасниф қилиш ва ҳар бир сўз туркумининг грамматик категорияларини таҳлил қилиб, нафақат бу сўзларнинг таркиби ва маъносини баён қилиш, балки уларнинг нутқ жараёнида қандай шаклларда қўлланиши ва унинг морфологик ва синтактик муносабатларини шарҳлаб беришни кўзда тутган эди.

Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб»даги грамматик материалларга ўзининг грамматика бўйича капитал асари «Муфассал фи санаъти-л-иърāб»нинг таркибий тузилиши асосида ёндашган. Асарнинг кенг оммага мўлжалланган услуби содда, баёни тушунарли тарзда ёзилган. Шу сабабли ҳам «Муқаддамату-л-адаб»нинг грамматик қисмлари араб тилини ўрганувчи толиби илмлар томонидан яхши қабул қилинган. Асосий таълим муассасалари ҳисобланган мадрасаларда араб тили таълимида кенг миқёсда фойдаланилган. Давр ўтиши билан асарнинг грамматикага оид қисмлари мустақил асар сифатида мадрасалар учун асосий қўлланма шаклида китобат қилинган.

Учинчи боб «**Муқаддамату-л-адаб**» асаридаги **туркий сўзликнинг грамматик таҳлили**» деб аталиб, ушбу бобда туркий тил унлилар ва ундошлар тизимининг ифодаланиш усуллари ва уларнинг матнда изоҳланиши, туркий сўзларнинг маъно хусусиятлари тадқиқ этилган.

«Муқаддамату-л-адаб»даги туркий сўзликда 8 та а, э, ы, и, о, ў, у, ў унли фонема бирлиги аниқланди. *ازدى* – *азды* – «четлашди (йўлдан)», *ايڭ دىن* – *эбдин чықты* – «уйдан чиқди», *اتماكنى توغرا دى* – *этмәкни тоғрады* – «нонни тўғради», *سڧ نى توكتى* – *субни тәкти* – «сувни тўкди», *كندو آج بولدى* –

кэндү ач болды – «ўзи оч бўлди», اوشكو بيرا، تىلدى انى – *тилди аны ўшкү бирлә* – «уни тешадиган билан пармалади», ارلادی – *ирләди* – «куйлади».

Асардаги ундош фонемалар туркий қатламга араб, форс тилидан ўзлашган сўзлар ҳисобига 25 тани ташкил этади. Улар б, п, ф, в, м, т, д, с, з, н, р, л, ш, ж, ж, ч, к, г, қ, ғ, ц, й, ч, ҳ, ь. Б товуши учун ب, п товуши учун پ, в товуши учун، و، ف، ت товуши учун ط، ت، نك، ئ، й товуши учун ز، د، ذ، ҳарфлари қўлланилган. پوستين دوز – *постиндоз* – «пўстиндўз», افكا كيتتى اندين – *өфкә кәтти андын* – «ундан ўпкалади», تفاق – *тубақ* – «товоқ», تىلى بيرا ياز قىلدى – *тили бирлә йаз қылды* – «тили билан ёд этди», ابدستلىق - *абдастлық* – «обдаста», اوج اياقلىغ تاخت - *уч аяқлығ тахт* – «уч оёқли тахт», شاقيش قىلدى – *шақыш қылды* – «санади», تيش لارنى يتيك قىلدى – *тишларни ўткирлади*, تولدوردى تکزنى – *төлдүрды тәңизни* – «денгизни тўлдирди», آرشعر ايدى – *эр шәър айды* – «эркак шәър айтди», ياريم قبوغ – *йарым қабуг* – «ярим байт».

«Муқаддамату-л-адаб»нинг Хоразм қўлёмасидаги туркий сўзлик ўзининг қадимийлиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради. Мазкур нусха айнан туркий сўзлик қатламини илмий истифодага киритиш учун кўчирилган. Диссертацияда истифода этилган асар қўлёмаларини қиёслаш улардаги туркий сўзликнинг форсий муодили билан уйғунлаштирилганлигини кўрсатди. Хоразм қўлёмаси таркибидаги туркий сўзлик айнан туркий тил грамматик қоидалари асосида киритилган. Жумладан, Тошкент нусхаларида اش سينكى انكا اش – *сиңди аңа аш* шаклида берилган бўлса, Хоразм нусхасида اش انكا سينكى - *аш аңа сиңди* тарзида берилган. Демак, туркий сўзлик туркий тил грамматик қоидалари асосида шакллантирилган.

Қўлёмасидаги туркий сўзлик матни ўзига хос график хусусиятларга эга. Ундаги аксарият туркий сўзликнинг тўғри ўқилишини таъминлаш мақсадида сўзларга араб ёзувига хос ҳаракатлар қўйилган. Жумладан, كاشكى بلساديم، اُلغ لوق – *улуглуқ*, ارلادی – *ирләди*, اراغوت – *урагут*, باتتى – *батты* – *кашки билсәдим*, قىلدى – *қылды*.

Матндаги туркий сўзлик қатлами асосан қадимий даврга мансуб, туркий сўзлардан иборат. Ҳар бир туркий муодил айнан арабий аслият остига жойлаштирилган. Бу ҳолат туркий сўзликнинг аҳамиятига ишора қилади. Туркий сўзликнинг қадимийлигини қуйидаги сўзлардан кўриш мумкин: امكاتی – *эмкәтти* – «қийнади», اوزاغ ليق – *узағлық* – «уйғотмоқ».

Асардаги туркий сўзлик таркибини ўрганиш асл қатлам бошқа шарқ тилларидан ўзлашган сўзлар орқали бойитилганини кўрсатади. Сўзликда бир таркибли ва мураккаб сўзлар учрайди. Уларда соф туркий ва аралаш шарқ тилларига мансуб қатлам сўзлари қўлланилган: قلاق قودتى – *қулāқ қузутты*, باى بولدى – *бай болды*, اروق قىلدى – *арўқ қылды*, اضافت قىلدى – *идāфат қылды*, تاخير قىلدى – *таъхир қылды*, هديه ايدتى – *ҳадия изитти*, فتهوى – *фатвā бәрди*, خسنود قىلدى – *хушнўд қылды*, مژده بيردى – *мужда бәрди*, دشوار بولدى – *душвār болды*.

Хоразм нусхасида бошқа қўлёмалардан фарқли ўзига хос ўринлар

кўплаб учрайди. Масалан, арабий (X.79a.6) *قصف الرعد* – *қасафа-р-ра’ду* ёрдамчи кўлёмаларда (Т. I.238a.3) *كوكرادى كوك* – *көкрәди көк* – «осмон гумбурлади», (Т. II.10a.7) *كوكرادى اتكون* – *көкрәди әткүн* – «чақмоқ чакнади» мазмунидаги иборалар билан изоҳланган. Хоразм нусхасида қадимги туркий қатламга мансуб *اتكون اتى* – *әткүн атты* – «чақмоқ чакди» ибораси қўлланилган.

Шунингдек, Хоразм нусхасида арабий сўзнинг туркийдаги муодили мазмунига аниқлик киритилган ҳолатлар ҳам учрайди. (X.78б.3) *عزف عن الشيء* – *‘азафа ‘ани-ш-шай’и* туркий киритилган нусхаларда (Т. I.236б.2) *توردى نيمانى* – *тўрди нимәни* – «бирор нарсадан ажраб чиқди». (Т. II.10a.2) *يغليندى نايرسادين* – *йыгылынды нәәрсәдин* шаклида келтирилган. Тадқиқ этилаётган кўлёмлада мазкур ибора *قورقوب ناسادين يغلى* – *қорқуб нәрсәдин йыгылды* – «кўрққанидан нарсадан йироқ бўлди» мазмунида берилган. Жумладаги «қўрқуб» сўзи арабий аслиятнинг маъносини тўлиқроқ очишга хизмат қилади. Хоразм нусхаси таркибидаги туркий сўзлик айнан туркий-ўзбек аҳолиси учун мўлжалланганлигини кўрсатади. У туркий сўзлик киритилган бошқа кўлёмалардан фарқ қилади. Жумладан, арабий (X.108a.1) *برى القلم بالمبراة* – *барә-л-қалама би-л-мибрәти* тарзида берилган. Қиёсланаётган барча кўлёмаларда мазкур жумла тузилиши феъл олдинга чиқарилган ҳолда бир хил кўрсатилган: (Т. I.176.б.2) *يوندى قلم نى كيزليك بيرلان* – *йонды қаламны кизлик бирлән*, (Т. II.18.б.4) *يوندى قلم نى قلم تراش بيرلا* – *йонды қаламны қаламтарәш бирлә*, (Т. III.23.б.6.) *يوندى قلم نى قلمتراش بيرلا* – *йонды қаламны қаламтарәш бирлә* – «қаламни қаламтарош билан очди».

Кўриниб турганидек, туркий жумлалар услуби Хоразм нусхасида фарқ қилади ва туркий сўзлик қатламини янада бойитади. Асардаги *حجمه الحجام* – *ҳажмаҳу-л-ҳижәму* мақоласи (X.133б.1) *شيشه اوردى* *шишә урды* тарзида изоҳланган. Мавжуд нусхаларнинг барчасида бу мақола турлича берилган. Жумладан, (Т. I. 210б.3) *حجامة قيلدى حجام* – *ҳижәмат қылды ҳижжәм*, (Т. II. 42a.2) *قانون سرجه اوردى انكا قان الكوجى* – *сиржа урды аңа қан алғучи*, (Т. III.36б.3) *الدى قان الغوجى* – *қанын алды қан алғучы* – «ҳижоматчи қон олди». Демак, Хоразм нусхаси сўз маъноларини янги шакл билан тўлдиришга хизмат қилади.

## ХУЛОСА

«Муқаддамату-л-адаб» асарида тилшунослик, луғатшунослик анъаналари ва арабий-туркий сўзликнинг лексик-семантик тадқиқи қуйидаги хулосаларга олиб келади:

Араб тилшунослиги ва луғатшунослигининг шаклланиши ҳамда такомиллида араб, форс тилшунослари билан бир қаторда ҳамюртимиз, «Араб ва ажамларнинг устози» буюк филолог олим Маҳмуд Замахшарий илмий мероси ва хизматларининг ўрни бекиёс.

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси 70 дан ортиқ асардан иборат бўлиб, жаҳон илм аҳли ва араб дунёси уни муаллифнинг ҳаётлик давридаёқ ўргана бошлаган, араб тилшунослиги бўйича ундан кейинги авлодлар

тадқиқотларида кенг миқёсда фойдаланган.

Олим арабча сўзликни жойлаштиришда, ўша даврда амалда қўлланилган биринчи бўғин ва охириги қатор бўйича ўзак ҳарфларни жойлаштириш усулидан воз кечиб, сўзлик учун ўз замонасининг энг илғор ва самарали усули идеографик усулни қўллаган. Бу усулнинг афзалликлари шундаки, керакли сўзни излаган киши мавзулар бўйича осонлик билан топа олади.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг 10 дан ортиқ грамматик асарлари билан араб тили грамматикасининг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган. У араб тили тизимини ҳозирга қадар истифода этиладиган исм, феъл, ҳарфларга бўлган. Исм сўз туркумига от, сифат, равиш, олмош каби грамматик категорияларни киритган ва уларнинг синтактик функцияларини муфассал ишлаб чиққан.

Олим араб тилидаги феъл категориясига катта эътибор беради, уларни бобларга ажратиб, ҳар бир бобдаги флексив шакллари батафсил баён қилган, мазкур шакллар ҳозирга қадар араб тилшунослиги фанида қўлланилмоқда.

Маҳмуд Замахшарий араб тилидаги луғатни жамлаш ва унинг маъноларини шарҳлаш билан чекланиб қолмай, уларни амалда қўллашни ҳам таҳлил қилиб берган. Шу сабабли унинг «Муқаддамату-л-адаб» асари асрлар давомида араб ва араб бўлмаган миллатларда амалий қўлланма вазифасини ўтаб келган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий сўзлиги катта илмий аҳамиятга эга. Асардаги туркий сўзлик ўрта аср туркий ёдгорлиги сифатида унинг фонетик, фонологик ва график тадқиқи учун аҳамиятга молик. У ўша давр туркий тилининг фонетик қиёфасини тиклашга ёрдам беради. Манбадаги туркий сўзликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у XIII-XIV асрдаги туркий тилнинг луғат бойлиги, этимологияси, лексик-семантик гуруҳларини ўрганиш бўйича бой материал бўлиб, ўша давр туркий тилининг морфологик ва синтактик категорияларини тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг Хоразм қўлёмасидаги туркий сўзлик ўзининг қадимийлиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради. Мазкур нусха айнан туркий сўзлик қатламини илмий истифодага киритиш учун кўчирилган. Диссертацияда истифода этилган асар қўлёмаларини қиёслаш улардаги туркий сўзликнинг форсий муодили билан уйғунлаштирилганлиги кўрсатди. Хоразм қўлёмаси таркибидаги туркий сўзлик айнан туркий тил грамматик қоидалари асосида киритилган. Жумладан, Тошкент нусхаларида *اش سينكىدى انكا اش* *сиңди аңа аш* шаклида берилган бўлса, Хоразм нусхасида *اش انكا سينكىدى* - *аш аңа сиңди* тарзида берилган.

Дунё олимлари «Муқаддамату-л-адаб»ни луғат сифатида эътироф этадилар. Тадқиқот асарнинг ҳам луғат ҳам тилшунослик бўйича нодир манба эканлигини тасдиқлади. Маҳмуд Замахшарий араб бўлмаган миллатлар учун зарур бўлган сўз бойлигини асарнинг биринчи ва иккинчи қисмларига киритган. Жумладан, асарнинг «Исмлар» қисмига 6500 та сўз,

«Феъллар» қисмига 7500 дан ортиқ феъл киритилган. Асарнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари эса араб тили грамматикасининг назарий масалаларига бағишланган. Мазкур қисмлар маҳаллий халқларга мўлжалланган содда грамматик рисоалар сифатида шуҳрат топган ва юзлаб нусхаларда таълим тизимида истифода этиш учун китобат қилинган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИСЛАМСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**МИРЗИЯТОВ ШУХРАТ МИРГИЯЗОВИЧ**

**ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ, ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЕ ТРАДИЦИИ  
ПРОИЗВЕДЕНИЯ «МАКАДДАМАТУ-Л-АДАБ» И ЛЕКСИКО-  
СЕМАНТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ АРАБО-ТУРЕЦКОГО  
СЛОВНИКА**

**10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки  
(филологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fil56.**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения (ТашГИВ).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу [www.tiu.uz](http://www.tiu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

**Научный руководитель:** **Исломов Зохид Махмудович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Дадабоев Хамидулла Арипович**  
доктор филологических наук, профессор

**Куранбеков Ахмадкул**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:** Государственный музей литературы имени Алишера Навои

Защита диссертации состоится « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 г. в \_\_\_ часов на заседании разового Научного совета при научном совете по присуждению ученой степени DSc.27.06.2017.Tag/Fil.14/01 при Ташкентском исламском университете (адрес: 100011, г. Ташкент, ул. А.Кадыри, 11. Тел: (99871) 244-00-91; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: tiuxab@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского исламского университета (зарегистрировано за № \_\_\_\_). Адрес: 100011, г. Ташкент, ул. А.Кадыри, 11. Тел: (99871) 244-00-91.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года).

**С.Хасанов**  
Председатель разового научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.ф.н., профессор

**Б.Б.Абдушукуров**  
Учёный секретарь разового научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.ф.н.

**С.С.Агзамходжаев**  
Председатель разового научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.и.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой науке ускоренно развивается лингвистические и лексикографические области. В этом смысле огромны заслуги гениальных учёных-языковедов и лексикографов как Махмуд Кашгари, Махмуд Замахшари, Насируддин Мутарризиди и др. Следует особо отметить заслуги нашего соотечественника Махмуда Замахшари, который внес огромный вклад в развитие данной области науки, научно систематизировав грамматику и лексикографию востока, особенно, арабского языка. Научные идеи, открытия, созданные Махмудом Замахшари признаны выдающимися представителями данной области науки, учёными, известными в мировом масштабе, и изучаются по сей день. Ведь, именно Махмудом Замахшари созданы принципы классификации грамматики классического арабского языка. Изучение богатейшего научного наследия, созданного ученым в результате широкомасштабных научных изысканий, сегодня имеет актуальное значение.

В годы Независимости Республики Узбекистан появились широкие возможности и большие условия для осуществления широкомасштабных целевых исследований научного наследия наших великих ученых предков. В частности, начался процесс глубокого изучения огромного вклада Махмуда Замахшари, который он внес в развитие науки, исследования теоретических знаний, созданных выдающимся ученым. В тоже время раскрытие еще не полностью изученных пластов нашего неповторимого научного наследия, особенно, исследование древних рукописей, которые хранятся как в фондах в нашей стране, так и за её пределами, определено одним из приоритетных направлений. В частности, осуществлено более десяти научных исследований, посвященных научному и духовному наследию Махмуда Замахшари. Так, его труды переведены на узбекский язык и изданы их научно-критические тексты и словари. В статье 4.4 «Развитие сферы образования и науки» 4-приоритетного направления стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан определены важнейшие задачи, стоящие перед современной наукой по изучению и исследованию письменных источников<sup>9</sup>. Ведь, «Научное наследие, созданное великими нашими предками, которое и сегодня удивляет весь просвещенный мир является духовным богатством, достоянием не только одного народа или нации, а всего человечества, и нет сомнения в том, что такое бесценное богатство будет источником мудрости и знания новых поколений, более того будет служить крепкой основой для новых открытий»<sup>10</sup>.

В настоящее время перед востоковедами мира стоят важные задачи по изучению богатейшего наследия Махмуда Замахшари и исследования его

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 24 июнь.

произведения «Мукаддамату-л-адаб». Анализ лексикографических и грамматических особенностей произведения «Мукаддамату-л-адаб» стоит наряду с важнейшими и актуальнейшими задачами узбекской науки.

Данное исследование, в определенном смысле, будет полезным в осуществлении задач, определенных в речи Президента Республики Узбекистан на встрече с представителями науки и творчества нашей страны 31 декабря 2016 года, а также в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года ПП-2995 «О мерах дальнейшего усовершенствования системы сохранения, научного исследования и распространения древних письменных источников» и установленных в других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий I «Духовно-нравственное и культурное развитие общества, духовные ценности, национальная идея, культурное наследие, непрерывности изучения образования и изучения истории государственности узбекского народа, исследование вопросов формирования полноценного, гармонично развитого поколения».

**Степень изученности проблемы.** По истории развития арабской лексикографии, принципам составления словарей арабского языка осуществлен ряд научных исследований зарубежными учеными. В частности, жизнь и научная деятельность Замахшари изучены такими зарубежными учеными, как В. Ахвледиан, В.Рыбалкин, И.Крачковский, К.Броккельман, И.Голдциер, Т.Нельдеке, П.Зайончковский, Ахмед Заки Валиди-Тогон и Мухаммед Казым, К.Броккельман, Г.Ветсшайн, В.Гиргас, В.Бартольд, В.Звегинцов, А.Боровков, Н.Поппе, А.Крымский, Б.Халидов, А.Джувайни, А.Хуфи, Муртазо Ширази, Ибн Халликан, Якут Хамави, Саъолиби, Нури Юдже, С.Ветсштейн, Ходжа Исхак Ахмед Ефанди, Ахмед Атеш, Мухаммед Казым, К.Менгис, Саито Йошио, Н.Бадмациренова<sup>11</sup>, которые изложили свои

